КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 2 НОЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 212 (11.021)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар





**ЮРТИМИЗДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР АНЧАГИНА. УЛАРДАН БИРИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «СОВПЛАСТИТАЛ» ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДИР.**

*Ўзбекистонда тайёрланган*

## МУНОСИБ УЛУШ ҚЎШИШМОҚДА

Мазкур корхонада ҳозирги кунда олти юз нафарга яқин, асосий қисми ёшлардан иборат ишчи-хизматчилар меҳнат қилиб, пластмасса, рангли шиша, чинни, сопол каби сифатли хом ашёдан ишлаб чиқараётган бир-биридан чиройли, бежирим, экологик тоза маҳсулотларининг тури 8 мингтадан ортиқни ташкил этади. Қувонарлиси, илгари юз фоиз хом ашё хориждан келтирилган бўлса, кейинги йилларда унинг муайян қисми «Шўртангазкимё» мажмуасидан олинмоқда.

Замонавий техника, юксак самарали дастгоҳ ва ускуналар, пластмассани қайта ишлаш, буюмларга шакл ҳамда безак бериш технологиялари ўрнатилган ушбу қўшма корхона цехларида тайёрланаётган уй-рўзор буюмлари, ўйинчоқлар, ёдгорлик буюмлари, кўплаб турдаги халқ истеъмоли моллари нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам харидоргир.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган ирригацион комплекслар, чиқиндиларни механизациялаштирилган тарзда олиб чиқиб кетиш имконини берадиган махсус контейнерлар, мева-сабзавот ва бошқа нарсалар солишга мўлжалланган идиш-товоқлар (турли ҳажм, шакл ҳамда рангларда) ҳамда пластик шланглар ўзининг сифати, қулайлиги, арзонлиги, санитария-гигиена ва экологик талабларга, иқлимимизга тўла мослиги билан мижозларга маъқул тушиб, буюртмачилар сафи кенгайишига омил бўлмоқда. Айниқса, стадион ва теннис кортлари учун пластмассадан тайёрланаётган чиройли ўриндиқлар, ҳар хил турдаги бежирим, қулай стол-стулларнинг ҳам бозори чаққонлиги бежиз эмас, албатта. Кўзларни қувнатадиган, бир қарашда ифор таратиб тургандай табиийсидай фарқлаш анчайин мушкул бўлган турли-туман гул ва гул буталари, дарахт, чинни ва сополдан ишланган нафис ҳамда эксклюзив буюмлар ҳар қандай кишининг эътиборини ўзига жалб қилади. Жумладан, бу ерда кўплаб корхона, ташкилот, фирмаларнинг буюртмасига асосан ҳар хил ҳажмлардаги полиэтилен пакетлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилганлиги эътирофга сазовор.

Корхона тадбиркорлари доимий равишда маҳсулот турини бозор талаблари, харидорлар дид ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янгилаб боришмоқда. Улар иқтисодиётимизни ривожлантириш учун корхоналарга давлатимиз томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар ҳамда ҳуқуқий кафолатдан фойдаланиб, ички ва ташқи бозорда муносиб ўринга эга бўлиш юзасидан самарали саъй-ҳаракатларни амалга оширишмоқда.

Таъкидлаш керакки, «Совпластитал» маҳсулотлари нафақат Марказий Осиё мамлакатларида, балки Европа ва Америка давлатларида ўтказилган кенг қамровли халқаро кўргазма ва танловларда қатор-асига бир неча бор диплом ва ёрлиқлар билан тақдирланган, сифати эътироф этилган. Жамоанинг 20 фоиз маҳсулотлари бугунги кунда Россия ҳамда Қозоғистон давлатларига экспорт қилинаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Замон билан ҳамнафас корхонанинг савдо уйи ҳамда фирмали дўконлари Тошкент, Самарқанд, Урганч, Фарғона шаҳарларидан ташқари Россия ҳамда Қозоғистонда ҳам ишламоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январда эълон қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида 60 нафардан зиёд хотин-қиз касаначилик асосида уйларида пластмасса гулларни йиғиш билан шуғулланмоқда...

«Совпластитал»чилар ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифатига муҳим эътибор қаратиш баробарида, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаб, импорт ўрнини босувчи товарларни тайёрлашга ҳамда асосийси, экспорт ҳажмини оширишни мақсад қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «Совпластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси цехларидаги меҳнат фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Камалак» халқ рақс дастаси қатнашчилари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Замонавий рақс ва уни саҳналаштириш усуллари» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Марказий Осиёда экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласига бағишлаб уюштирилган конференция якунланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари учун Россия нашриётларида чоп этилган илмий адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди.

● **АБДУЛЛА** Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри ижодкорлари театр ихлосмандлари эътиборига Салоҳиддин Сирожиддинов асари асосида Лутфулла Саъдуллаев режиссёрлигида яратилган «Репер эртакчи» спектаклини ҳавола этишди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан «Пахтакор» марказий стадиони ёнида барпо этилган Ўзбекистон футбол мухлислари клуби очилишига бағишлаб ўтказилган тадбирда футболимиз мутасаддилари, мутахассислари, мухлислар иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Оперетта театри ижодкорлари санъатнинг ёш ихлосмандлари эътиборига ўтган куни «Петя ва бўри» спектаклини ҳавола этишди.

● **МАМЛАКАТИМИЗДА** «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури яратилганлигига 10 йил бўлди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**30 ОКТЯБРЬ — 1 НОЯБРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Депутатлар ўтган ҳафтада моддама-модда кўриб чиқила бошлаган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасини давом эттирдилар. Унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этди.

Қонун лойиҳасининг фонд биржаси, қимматли қоғозлар бозорининг ҳисобга олиш тизими, қимматли қоғозлар бозорининг ахборот таъминоти тўғрисидаги, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш тўғрисидаги бобларига киритилган моддалар муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасининг айрим моддаларини батафсил кўриб чиқиш чоғида депутатлар улардаги нормаларни такомиллаштиришга, ушбу моддалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга қаратилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирдилар. Фонд биржаси, қимматли қоғозлар депозиторийси тизими ва мақоми, уларнинг фаолият кўрсатишига оид тушунчаларни белгиловчи моддалар бўйича ушбу нормаларни янада аниқ ва изчил баён этишга қаратилган тавсиялар берилди. Қимматли қоғозлар бозорининг ахборот таъминоти масалалари бўйича мазкур моддаларнинг мазмунига концептуал ёндашувни ўзгартиришга қаратилган таклифлар киритилди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш, қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқлари, қимматли қоғозлар бозоридаги чеклашлар масалалари ва бошқа масалалар баён этилган моддаларини ҳам муҳокама қилдилар. Ишчи гуруҳига депутатларнинг муҳокама жараёнида билдирган фикр-мулоҳазалари бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси Қонунчилик палатасининг 2007 йил 5 ноябрда бўлиб ўтадиган кейинги мажлисида давом эттирилади.

**(ЎзА)**

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**ИЛГАРИ ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРГА МУВОФИҚ, ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИ ВЭНЬ ЦЗЯБАО РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ.**

Бу Хитой юқори мартабали делегациясининг мамлакатимизга биринчи ташрифи эмас, албатта. Икки томонлама ҳамкорлик ривожининг бугунги даражаси асосини икки давлат етакчиларининг мунтазам учрашувлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1992, 1994, 1999 ва 2005 йиллари ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлган. Шунингдек, 2001 ва 2006 йиллари Ўзбекистон раҳбари ШҲТ саммитларида қатнашиш учун Шанхай шаҳрига ташриф буюрган эди. Ўз навбатида, ХХР раиси Цзян Цземинь (1996 йили) ва Ху Цзинтао (2004) ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрган эди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 25-27 май кунлари ХХР га буюрган давлат ташрифи Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона шериклик муносабатлари ва ҳамкорликнинг ривожига сезиларли туртки берди. Ташриф чоғида имзоланган Дўстона шериклик муносабатлари ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома кейинги йиллар давомидаги шериклик муносабатларини ривожлантиришга муҳим замин яратди.

Ўзаро алоқалари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ўзбек-хитой муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда ва мустаҳкамланмоқда. Сиёсий мулоқотларни кенгайтириш, хавфсизлик соҳасида, шу жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида биргаликда ҳаракат қилиш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Шартнома-ҳуқуқий заминни 150 дан ортиқ давлатлараро ва бошқа битимлар ташкил этади.

1992 йили имзоланган Савдо-иқтисодий битимга мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасида жуда қулай муҳит яратилган. ХХР Ўзбекистоннинг савдо шериклари ўртасида етакчи ўринни эгаллайди. 2007 йилнинг 8 ойи мобайнида икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 477 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистоннинг Хитойга экспорти, асосан, пахта толаси, энергия ресурслари, хизмат кўрсатиш, кимё маҳсулотлари ва пластмассадан иборат. Мамлакатимизнинг Хитойдан импорти эса асосан, машина ва ускуналар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, озиқ-овқат маҳсулотлари, қора металл ҳамда хизматлардир.

Томонлар ўртасида кредит-молиявий ҳамкорлик муваффақият билан рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, фоизсиз (6 миллион АҚШ доллари) ва узоқ муддатли (36 миллион АҚШ доллари) имтиёзли кредитлар асосида ХХР ҳукумати Ўзбекистонда қатор ижтимоий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бундан ташқари, ХХР Эксимбанкининг умумий ҳажми 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт кредити ҳисобидан қатор лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилган.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг мажлисларини ўтказиш мунтазам тус олган. Комиссиянинг 2006 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган еттинчи мажлисида 200 дан зиёд Хитой компаниясининг вакиллари қатнашди.

Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокидаги 136 корхона фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 105 таси қўшма корхона, 31 таси эса 100 фоиз Хитой маблағи асосида ташкил этилган. Бу корхоналар фаолиятининг асосий йўналишини енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, воситачилик хизмати кўрсатиш ва ҳоказолар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, сармоялар ва савдо вазирлигида 26 та Хитой компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтган бўлиб, улар экспорт-импорт операцияларини ўтказишни, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларни ўз ичига қамраб олади.

Нефть-газ соҳасида ҳам сармоявий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) Орол денгизи ҳавзасида, Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғонанинг нефть ва газга бой ҳудудларида геология-қидирув ишларини олиб бормоқда. Наманган вилоятининг Мингбулоқ конида нефтни қазиб олиш бўйича қўшма корхона тузилган.

Икки мамлакатнинг маданий ва гуманитар ҳамкорлиги ҳам тобора ривожланиб бормоқда. 2005 йилнинг апрель ойида Пекин шаҳрида «Ўзбек фото санъати 125 ёшда» кўргазмаси ташкил этилди. 2006 йил август ойида Тошкентда «Хитой киноси кунлари» бўлиб ўтди. Ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда «Ўзбеккино» миллий агентлиги кўмагида ташкил этилди.

2007 йилнинг сентябрида Ўзбекистон делегацияси илк бор Пекин халқаро китоб ярмаркасида иштирок этди.

Идоралараро йўналишда малака ошириш ва талабалар алмашуви ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда. 2007-2008 ўқув йилида Хитой томонидан 22 нафар ўзбекистонлик талаба ва малака оширувчига ҳукумат гранти тақдим этилди — уларнинг хитой тили, халқаро иқтисодиёт ва савдо, менежмент, экогеология, ядро физикаси мутахассисликлари бўйича Хитойда таълим олиши ташкиллаштирилди.

2005 йилнинг май ойида Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номли институт очилди. Айни пайтда бу ерда мактаб ўқувчилари, талабалар, бизнес вакиллари, илмий ходимлар, шунингдек, хорижий фуқаролардан иборат 150 нафардан зиёд тингловчи таҳсил олмоқда.

2007 йилнинг май ойида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Хитой томонининг беғараз ёрдами асосида техник асбоб-ускуналар ва ўқув материаллари билан тўла жиҳозлаган Хитой тили марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

2005 йилнинг сентябрь ойида Пекиндаги Марказий миллатлар университетида «Ўзбек тили» мутахассислиги бўйича талабаларнинг 18 нафардан иборат илк гуруҳини жамлаган ўзбек тили кафедраси иш бошлади.

Буларнинг барчаси кенг шартномавий-ҳуқуқий заминга эга бўлган Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг изчил ривожланиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

Шубҳа йўқки, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябаонинг мамлакатимизга буюражак ташрифи Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча Тошкент Фотосуратлар уйида «Consult Forum» биринчи махсус ихтисослаштирилган консалтинг кўргазмаси очилди. Ишбилармон Маслаҳат Дастури ҳамда Малакали Бизнес маслаҳат уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмадан кўзланган асосий мақсад юртимизда фаолият юритаётган ишбилармон ва тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериш, бизнес соҳасида дуч келадиган муаммолар юзасидан уларга тегишли амалий маслаҳатлар беришдан иборат.**

● **Навоийда янги қиёфа касб этган, қатор қулайликларга эга бўлган халқаро аэропортнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Айтиш керакки, ушбу аэропортда Андижон-Навоий-Москва йўналиши бўйича дастлабки рейс амалга оширилди. Шунингдек, Навоий-Тошкент-Навоий йўналиши бўйича қатнов ҳам изчил йўлга қўйилди.**

● **«Қашқадарёавтотеххизмат» очиқ акциядорлик жамияти Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилган янги «Tacuma», «Epica» «Captiva» машиналарини сотувга чиқарди.**

● **Қарши шаҳрининг энг сўлим ерида жойлашган 2-вилоят шифохонаси беморларни қабул қила бошлади. 60 ўринли бу шифо маскани асосан, уруш ва меҳнат фахрийлари соғлиғини тиклаш учун мўлжалланган. Шифохонага замонавий қиёфа бахш этиш учун «Қашқадарёнефтгазқурилиштаъмирлаш» очиқ акциядорлик жамияти ва Косон туманидаги 232-хўжаликлараро механизациялашган қурилиш корхонаси қурувчилари 250 миллион сўмлик иш бажардилар.**

● **Самарқанд вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказида мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўгарак раҳбарларининг республика семинари бўлиб ўтди.**

● **Марғилон шаҳридаги «Янги боғ» маҳалла фуқаролар йиғинида икки қаватли оилавий поликлиника биноси таъмирланиб, ишга туширилди. Янги шифо масканида эмлаш, физиотерапия, лаборатория, оналар ва болалар бўлими, дорихона ҳамда кундузги стационар мавжуд.**

● **Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида Италия кино ҳафталиги ўтказилди.**

● **Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйининг янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ қурилган ушбу спорт мажмуаси сузиш ҳавзаси, волейбол майдони, бадиий гимнастика зали ва бошқа спорт иншоотларини ўз ичига олади.**

● **Самарқандда Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигида ишлаб чиқарилаётган «ISUZU» автобусларининг харидорлари кўпайиб бормоқда. Жумладан, «Тошвилтранс» уюшмаси йил охиригача 500 та «ISUZU» ни харид қилиш учун заводга буюртма берди.**

### ЖАҲОНДА

● **БМТ Бош ассамблеяси икки Кореянинг бирлашув жараёнини қўллаб-қувватловчи резолюцияни бир овоздан қабул қилди. Мазкур ҳужжат Корея Республикаси ҳамда КХДР томонидан киритилди. Унда жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари Пхеньянда бўлиб ўтган олий даражадаги икки Корея учрашуви ҳамда унда қабул қилинган Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларациянинг қўллаб-қувватланиши баён қилинади.**

● **Кеча Греция пойтахти Афинада 4 мингга яқин ўқувчи, талаба ва муаллимлар иштирокида мамлакатда олий таълимнинг ислоҳ қилинишига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Намойишчиларнинг асосий талаби— олий таълим тизимида давлат монополиясини сақлаб қолишдир.**

● **Бугун Тольятти шаҳрида йўловчи автобусида амалга оширилган террорчилик ҳаракати қурбонларини дафн этиш маросими ўтказилади. Ушбу кўпорувчилик оқибатида жабрланган 54 киши касалхоналарда даволанмоқда. Кеча террорчилик ҳаракатини амалга оширганликда гумон билан бир киши қўлга олинди ва унинг квартирасидан бомбага ишлатиладиган металл парчалари топилди.**

● **«Ноэль» тропик довули Доминикан Республикаси, Ямайка ва Гаитида 81 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Бундан ташқари, 50 дан ортиқ киши дом-дараксиз йўқолган. Ҳозирда ушбу кучли довул АҚШнинг Флорида штати ва Кубанинг шимолий ҳудудларига ҳуруж қилмоқда.**

● **2008 йилда Пекинда ўтказиладиган ёзги Олимпиадада хавфсизликни таъминлаш бўйича пухта тайёргарлик кўриш мақсадида кеча Шанхай портида антитеррористик ўқув машқлари ўтказилди.**

● **2004 йил 11 март куни Мадрид метросида амалга оширилган қонли кўпорувчиликнинг 21 нафар ижрочиларига суд ҳукми чиқарилди. Испания суди террорчиларга қурбон бўлган 191 нафар кишининг ҳар бири учун 40 йиллик жазо тайинлади. Яъни, 21 нафар террорчилар гуруҳи умумий ҳисобда 270 минг йилга озодликдан маҳрум этилди.**

● **Покистоннинг Саргодха шаҳри яқинидаги ҳарбий ҳаво кучлари базаси олдида амалга оширилган кўпорувчилик оқибатида камида 6 киши ҳалок бўлди, 40 киши жароҳатланди. Ушбу ҳалокат камикадзе-террорчининг ҳарбийларни олиб кетаётган автобус олдида ўзини портлатиб юбориши оқибатида рўй берган.**

● **Кеча Мексика полицияси мамлакатдаги портларнинг бирида Гонконгга тегишли, Колумбиядан йўлга чиққан кемадаги совун қутиларига яширилган 23,5 тонна кокаин гиёвандлик моддасини топди.**

*Анжуманлар*

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ҲАМДА «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ВА МАЗКУР ҲУЖЖАТЛАРДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ, ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА СЎЗ ЮРИТИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Мазкур халқаро конференция ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари томонидан ташкил қилинди.

Шунингдек, конференцияни ташкиллаштиришда Халқаро Темпус дастурининг Ўзбекистондаги миллий офиси, Германиянинг Техник ҳамкорлик жамияти, Британия кенгаши, Голландиянинг Вагенинген университети, Германиянинг амалий фанлар университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти яқиндан ҳамкорлик қилдилар.

Ушбу катта форум давомида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимидаги ислоҳотлар натижалари ҳамда таълимни мукаммаллаштириш ва унинг сифатини яхшилаш йўллари муҳокама қилинмоқда.

Анжуманда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир малакали мутахассисларни тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланганлиги таъкидланди. Жаҳон таълим тизими тажрибасида янгилик сифатида ном қозонган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунда узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ экани эътиборга моликдир. Изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар мактабгача таълим масканлари, умумий ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим даргоҳларини қамраб олган ушбу дастур ўн икки йиллик таълимга ўтишда, узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратишда муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Халқаро анжуман ўз доирасида таълим тизими ва мазмуни, олий таълимда сифатни таъминлаш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик, олий ўқув юртларининг битирувчилари билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш, олий таълимнинг илм ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси йўналишлари бўйича иш олиб борди.

Анжуманда 14 давлат жумладан: Австрия, Германия, Нидерландия, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Украина, Швеция, Қозоғистон ва бошқа давлатлар вакиллари иштирок этмоқдалар.

Халқаро анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Азимжон Парпиев, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Анна Паолини, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Абдушукур Хоназаров, Германия амалий фанлар университети вице-президенти Вайнштефан Герберт Штробель ва бошқалар Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг узлуксизлиги, сифати ва самарадорлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани, кадрлар тайёрлашда давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг фаол иштироки йўлга қўйилгани хусусида фикр юритдилар.

Мазкур конференция муҳим аҳамият касб этиб, олим ва мутахассисларнинг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишдаги ютуқлари бўйича тажриба алмашишлари, долзарб муаммоларни биргаликда муҳокама қилишларига ҳамда таълим сифатини оширишга оид тавсияларни ҳамкорликда ишлаб чиқишга, шунингдек, мазкур соҳада халқаро алоқаларни ривожлантиришга имконият яратди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р. Қосимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**



**ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ ЯНГИ, МУҲТАШАМ БИНОДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР БАДИИЙ ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ БУГУНГИ КУНДА ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЎЗ БАҒРИГА ЧОРЛАМОҚДА.**



*Ижод масканларида*

# ЁШЛАР ИСТЕЪДОДИГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ

Марказ қошида 30 га яқин ижодий студия мавжуд бўлиб, унда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган иқтидорли 400 нафардан зиёд ўғил-қизлар ўз ижод қирраларини чархламоқдалар. Уларнинг аксариятини Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, соғломлаштириш масканлари, махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган ёшлар, шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари ташкил этади.

— Устувор вазифаларимиздан бири— таниқли усталаримиз ва устазодаларимиз яратган миллий халқ амалий санъати дурдоналарини тиклаш, ана шу мактаб давомчиларини тайёрлаш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ва ҳаётда муносиб ўринларни эгаллашларига кўмаклашишдан иборат, —дейди марказ директори Санобар Шодиева.—Бу ерда ижодкор болалар учун зарур шароитлар яратилган. Янги бинога кўчиб ўтиш имкониятларини янада кўпайтирди. Марказ Халқ таълими вазирлиги тасарруфида бўлгани учун Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрамида ушбу кошонанинг очилиши болалар учун ўзига хос совға бўлди. Ярим йиллардан сўнг марказда фақат ижодий студияларда машғулот ўтказиш билан кифояланмаймиз, балки болаларимизнинг табиат қўйнида ижод қилишларини таъминлаймиз. Мунтазам «Очиқ эшиклар куни« ўтказилади. Республика ва Халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этамиз. Чет эллик санъат усталари билан ижодий учрашувлар, семинарлар ва бошқа мулоқотлар ўғил-қизларимиз иқтидорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга ўхшаш кўплаб тадбирларни ўтказишда Тошкент шаҳар ҳокимияти Халқаро ва Республика жамғармалари, вазирлик, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда Республика Бадиий академияси бевосита ҳомийлик қилаётганларини таъкидлаб ўтишни истардим.

Марказда касб-ҳунар бепул ўргатилишидан ташқари, кўрик-танловлар ғолиблари олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Кулолчилик, ҳайкалтарошлик, мусаввирлик, заргарлик, наққошлик, зардўзлик, попопчилик, Шарқ миниатюраси каби студияларда таълим олиб, ҳунар сирларини ўрганаётганлар орасида мамлакатимиз амалий санъатини жаҳонга кўз-кўз қилаётган ёшлар анчагина. Улар энг яхши асарлари билан нафақат республика, балки АҚШ, Япония, Швейцария, Миср, Ҳиндистон давлатларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда ғолибликни қўлга киритмоқдалар. Чунончи, термизлик Нурали Бобомуродов Ҳиндистоннинг энг олий мукофоти — Жавоҳарлаъл Неру номли стипендия совриндори бўлди. Хоразмлик Ёрқиной Саноева, тошкентлик Тамилла Мамедова, Алишер Қорабоев, қашқадарёлик Елена Лемешколар Ҳиндистонда ўтказилган Халқаро кўргазманинг катта ва кичик медаллари билан мукофотландилар. Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги кўргазмада эса 29 нафар ёш ижодкор Халқаро Олимпия қўмитаси президенти томонидан сертификат ва махсус совғаларга лойиқ кўрилди. Сурхондарёлик Фахриддин Акабоев «Бертони» кубоги совриндори бўлди. 11 ёшли Музаффар Зуфаров Италияда бўлиб ўтган заргарлик кўргазмасида соврин олиб қайтган бўлса, 14 ёшли мусаввир Атҳам Ҳамроев Чехия, Миср, Япония ва Ҳиндистонда ташкил этилган болалар расмлари халқаро кўргазмаларида бир неча асарлари билан қатнашиб, олтин медални қўлга киритди. Унинг асарлари композицион ечимининг ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Бундай рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бироқ гап фақат мукофотланганларнинг сонида ҳам эмас. Энг муҳими, марказ фаолиятини кенгайтириб, вилоятларда унинг филиалларини кўпайтириш, болалар ижодини кенг тарғиб қилиш, усталар мактабини ўрганиш ва ривожлантириш, келажак авлодни камол топтириш учун имкониятлар яратиш масалалари устида чинакамига жонбозлик кўрсатиш лозим бўлади. Айни пайтда Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида марказ шохобчалари фаолият юритаётгани айни муддаодир.

Марказ тарбияланувчиси Жамол Эсанов Оқдарё туманида ёғоч ўймакорлиги бўйича мактаб очиб, 20 нафардан зиёд шогирдлар тайёрлагани ҳам мақтовга лойиқ. Абдували Латипов эса наққошлик санъатини мукаммал эгаллаб, «Усто» бирлашмасида шогирдлар етиштирмоқда. Дарвоқе, марказ раҳбарининг таъкидлашича, ҳудудда жойлашган 1-«Отчопар» маҳалласи фуқаролар йиғини ва мактаблар билан ҳамкорликда маҳаллий ўғил-қизларни жалб қилиш ниятлари бор. Шу муносабат билан ҳадемай, бу ерда гиламчилик ҳамда ганч ўймакорлиги йўналишида устахоналар очилиши кўзда тутилган. Шунингдек, болалар бадиий ижодкорлигини янада ошириш мақсадида кўрик-танловлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

**Абдунаби МАННОПОВ**

**СУРАТЛАРДА: Республика болалар бадиий ижодиёти маркази фаолиятидан лавҳалар**

**Владимир Гранкин олган суратлар**

# ЎЗБЕКИСТОН БЕНИЛЮКС САЙЁҲЛАРИ НИГОҲИДА

**ШУ КУНЛАРДА БЕЛЬГИЯ ВА ЛЮКСЕМБУРГДАН КЕЛГАН САЙЁҲЛАРНИНГ КАТТА ГУРУҲИ ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁҲАТ ҚИЛИШМОҚДА. 125 КИШИДАН ИБОРАТ БУ ИККИ МАМЛАКАТНИНГ ИШБИЛАРМОН, ЖАМОАТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЁШЛАРИ, ҚИЗИҚИШЛАРИ ТУРФА ХИЛ. БИРОҚ УЛАРНИ БИР ЖИҲАТ БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ТАРИХИ ҲАМДА МАДАНИЯТИГА НИСБАТАН МУҲАББАТ ВА ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ.**

Европалик сайёҳлар гуруҳининг мамлакатимиз бўйлаб ушбу саёҳати Бельгиянинг Тошкентдаги фахрий консуллиги, Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ҳамда «Мега тур» ўзбек сайёҳлик компанияси кўмагида ташкил этилди.

Бенилюкс мамлакатлари сайёҳлари Тошкент, Хива, Бухоро ва Самарқандда бўлишиб, мазкур шаҳарлардаги тарихий ёдгорликлар ва бошқа диққатга сазовор жойлар билан танишади.

Гуруҳ раҳбари, инсон ресурслари менежменти масалалари бўйича брюсселлик маслаҳатчи Жорж Мишел «Жаҳон» АА мухбири билан суҳбат чоғида ўз мамлакатида Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чиқиш бўйича қизиқишнинг тобора ортиб бораётганини қайд этди.

— Бельгиянинг кўпчилик сайёҳлари учун Ўзбекистон Марказий Осиёдаги ҳақиқий сайёҳлик маркази ҳисобланади, — деди Ж.Мишел. — Буюк Ипак йўлининг энг жозибали ва қизиқарли йўналишларидан бири — Ўзбекистон билан танишишни истаган кишиларни мамлакатингиз ҳамиша меҳмондўстлик билан қабул қилиши эътиборга молик жиҳатдир. Ишонасизми, сайёҳлик гуруҳимизнинг кўпчилик аъзолари бу ерга келмай турибоқ юртингизни севиб қолишган эди.

Ўзбекистонга европалик сайёҳларни, аввало, бутун дунёга донғи кетган тарихий меъморий ёдгорликлар, замонавий меҳмонхоналар тармоғи, кўрсатиладиган хизматларнинг юқори даражаси, қулай табиий шарт-шароитлар жалб этади. Буларнинг барчаси мамлакатингизда ҳукмрон бўлган толерантлик ва меҳмондўстлик билан уйғунлашиб кетгани Европа сайёҳларининг ўнлаб сайёҳлик йўналишлари орасидан айнан Ўзбекистонни танлашига, уларнинг сони тобора ортиб бораётганига кўмаклашмоқда.

— Бельгия Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳаларда ҳар икки томонга наф келтирадиган ҳамкорликдан манфаатдордир, — дейди Бельгиянинг Ўзбекистондаги фахрий консули Жан Клод Божан. — Бу, шубҳасиз, сайёҳлик соҳасига ҳам тегишли.

Бельгия вакилларининг маълум қилишларича, яқин йиллар ичида Ўзбекистонга биргина Бельгиянинг ўзидан келадиган сайёҳларнинг сони йилига 10 минг кишини ташкил этади.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА**

# ИХТИСОСЛАШГАН ХИРУРГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ЖИГАР ВА ЎТ ЙЎЛЛАРИ ЖАРРОҲЛИГИ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИМЛАРИ ВА ШИФОКОРЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА МДҲ ДАВЛАТЛАРИДАН ҲАМ МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Мамлакатимизда ихтисослаштирилган тиббий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва мутахассислар малакасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, шифокорларимиз жаҳон тиббиётининг илғор технологиялари — аорта коронар шунтлаш, коронар артерияларни стентлаш, қорин ва кўкрак аортасини протезлаш, мия, буйрак, ошқозон-ичак томирларини даволашда қўлланиладиган ноёб реконструктив жарроҳлик муолажаларидан амалда самарали фойдаланмоқда. Бу минглаб беморларни соғлом турмушга қайтариш ва ногиронликнинг олдини олишда муҳим омил бўлаётир. Мутахассисларимиз бундай илмий-амалий ишларни ҳаётга татбиқ этишда жаҳондаги нуфузли илм-фан муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир. Москва тиббиёт академияси ана шундай ҳамкорлардан бири.

— Олимларингиз билан ҳамкорлигимиз изчил давом этяпти, — дейди Москва тиббиёт академияси профессори Михаил Данилов. — Жарроҳлик соҳасидаги ютуқларни оммалаштириш, ушбу йўналишда ўз ечимини кутаётган вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш ва илғор усулларни ҳаётга татбиқ этиш доимий эътиборимизда. Мамлакатингизда хирургия соҳасида тўпланган ўзига хос тажрибалар ва давлатингиз томонидан тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилаётган эътибор бундай ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Анжуманда юрак, қон-томир, ошқозон-ичак, ўт ва жигар хасталикларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг илғор усуллари, лапароскопик, эндоскопик ва кичик инвазивли операциялар, панкреатология соҳасида замонавий хирургик технологияларга бағишланган маърузалар тингланди. Хирургия соҳасида қўлланиладиган замонавий тиббий технологиялар ва препаратлар кўргазмаси намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Н.Шаропов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, жаҳон тиббиёти ва илм-фанининг илғор ютуқларини амалга татбиқ этиш, халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш ва саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда тиббиётнинг нисбатан мураккаб тармоғи — хирургия соҳасини янада ривожлантириш, даволашнинг янги воситалари ва технологияларидан амалда оқилона фойдаланишга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тўртта ихтисослаштирилган тиббий муассаса фаолият юритмоқда. Улардан бири — Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида ташхис қўйиш ва даволашнинг илғор усулларидан самарали фойдаланилаётир. Бу борада, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш шифохоналари ҳамда турли йўналишларга ихтисослашган тиббий илмий марказларда ҳам аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиляпти.

Тиббиётнинг бошқа йўналишларида бўлганидек, хирургия соҳасида ҳам ўзига хос илмий мактаблар шаклланган. Бундай даргоҳлардан етишиб чиққан мутахассислар илм-фан тараққиётини янада жадаллаштириш ва даволашнинг самарали технологияларини ҳаётга татбиқ этишга ўз улушини қўшаётир.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## *Юсуф Хос Ҳожиб*

### ҲИКМАТЛАР

**Кишига қилма шикоят жаҳондан, эй дарвеш,**
**Туруб юруб қиладур шукри неъмати мавло,**
**Алингда чунким, аё хожа, молу неъмат кўб,**
**Едур, бағишла, тиласанг саодати уқбо.**

* * *

**Дунё матоиндан тилар бўлсанг таматтуъ олмаға.**
**Кўргуз халойиққа сахо чун Ҳақ сенга қилдикарам.**

* * *

**Ул кишиким душманлар билан сулҳ қилур, дўстлари андан озор бўлур.**

* * *

**Душманни ожиз кўруб раҳм этмагилким, қачон қодир бўлса, сенга раҳм этмас.**

* * *

**Душман ўгутун қабул қилмоқ хатодурур ва лекин эшитмак раво, ҳатто анинг хилофин ишлағайсан, ул айни савоб бўлур.**

* * *

**Икки киши мулкнинг дағи диннинг душмани турур: бири улким, султон бўлуб, адл қилмаса; бири дағи улким, зоҳид бўлуб, илми бўлмаса.**

* * *

**Хулқи ёмон ким эрса қочса бало алиндан**
**Куртулмағай нечаким, ул хулқ анинг биладур.**

* * *

**Ғанидур улки, қаноат ичинда сабри чўқ,**
**Жаҳонда сабру қаноат бекин маишат йўқ.**
**Ҳарис эса жаҳонни ҳануз очу фақир,**
**Ҳамиша аҳли қаноат бир ўтмаги била тўқ.**

* * *

**Ҳар ким ўзиндан олим билан мубоҳаса қилса, ҳатто билмағайларким олимдурур ва лекин жоҳиллиги маълум бўлур.**

* * *

**Бош урушмағил урушчи паҳлавон кўчқор била,**
**Чун билурсанким, урушсанг ул сенинг бошинг ёрар.**

* * *

**Хуш этти муни ул адиби зариф:**
**Маликка бўлурми қаландар ҳариф.**
**Ўз али билан ўз қўлун синдурур,**
**Қавий бирла панжа тутушқан заиф.**

* * *

**Ҳасуд эр қандаким аҳли ҳунар бўлса, ани кўзлар,**
**Қатинда дам ура билмас, йўқинда ғийбатин сўзлар.**

* * *

**Синдирур бўлса уруб олтун қадаҳни катта тош,**
**Синмас олтун қиммати, ортмас баҳоси тошнинг.**

* * *

**Эй узун кўрган неча бир дегасан –**
**Ким, фалон аллома муфти ўғлиман.**
**Бор эса бу қавлунга келтур далил,**
**Гул тикандан келди, Озардан Халил.**

* * *

**Ақл нафс алинда уйла гирифтор бўлуб турур, нечукким, бир ожиз кучли хотун алинда гирифтор бўлса.**

* * *

**Шайтон мухлислар билан чиқиша билмас, султон муфлислар билан.**

* * *

**Икки нима муҳоли ақлдурур: бири улким, ризқи мақсумдан ортуқ емак, иккинчи улким, ажали маълумдан бурун ўлмак.**

* * *

**Бўлмиши йўқ қазо тағайюр ҳеч,**
**Куфр этмак билан киши туну кун.**
**Ел вакили фариштаға не ғам,**
**Бир қарининг чароғи сўнган учун.**

* * *

**Бир кишини минг арслон ўлтурмас,**
**Келмайинча анга қазойи ажал.**

* * *

**Толеъсиз сайёд денгизда балиқ тута билмас, дағи ажалсиз балиқ қури ерда ўлмас.**

* * *

**Иродатсиз мурид муфлис ошиққа ўхшар; амалсиз олим емишсиз яғочқа; илмсиз зоҳид эшиксиз эвга; маърифатсиз сайёҳ қанотсиз қушқа.**

* * *

**Ҳикоят мустамеъларга кўра айт,**
**Агар бўлса, аларнинг сўзга майли.**
**Ўтурса оқил эр Мажнун қотинда,**
**Керакмас сўзи, илло, зикри Лайли.**

* * *

**Суҳбат этма ёмоне киши бирлан,**
**Не қадар пок эсанг, мунажжас этар.**
**Кунаш анча буюклиги бирлан**
**Бир аяча булут кўрунмас этар.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**

***РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ***



Цирк чипталарини тарқатиш ва сотиш бўйича туман кассирларини

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

144-35-09, 144-37-31 телифонлари орқали мурожаат қилинг.

Соат 9.00 дан 17.30 гача қўнғироқ қилишингиз мумкин.

